# ЯНГИ ЙИЛИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН, АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

Insonga naf keltirish — oliy baxt!

# Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

Oʻzbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2015-yil 1-yanvar, payshanba, № 1-2 (3507)

***Йил давомида босиб ўтган йўлимизни ва рўй берган воқеаларни, қўлга киритган марра ва ютуқларни шукроналик билан кўз ўнгимиздан ўтказар эканмиз, 2014 йил биз учун самарали ва хосиятли бўлди, деб айтишга тўлиқ асосларимиз бор, деб ўйлайман.***

**Ислом КАРИМОВ**

# ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ

Қадрли ватандошларим!

Мана шу файзли дамларда сиз, азиз юртдошларимга аввало ўзимнинг чуқур ҳурмат ва эҳтиромимни изҳор этиб, қутлуғ қадамлари билан кириб келаётган Янги йил билан табриклаб, барчангизга чин қалбимдан сиҳат-саломатлик, тинчлик-омонлик, бахт-саодат, хонадонларингизга хотиржамлик ва фаровонлик тилашни ўзим учун катта бахт деб биламан.

Айни шу дақиқаларда якунига етиб бораётган йилни кузатар эканмиз, йил давомида босиб ўтган йўлимизни ва рўй берган воқеаларни, қўлга киритган марра ва ютуқларни шукроналик билан кўз ўнгимиздан ўтказар эканмиз, 2014 йил биз учун самарали ва хосиятли бўлди, деб айтишга тўлиқ асосларимиз бор, деб ўйлайман.

Бунинг исботини аввало биз кўзлаган буюк мақсад бўлмиш — дунёдаги тараққий топган демократик давлатлар қаторига кириш, бунинг учун олиб бораётган демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш мақсадида амалга ошираётган улкан ишларимизда кўришимиз мумкин.

Айниқса, иқтисодиётимизни барқарор суръатлар билан юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишда, ҳеч шубҳасиз, ўтаётган йил ҳаётимизда чуқур из қолдириши муқаррар.

Бунинг тасдиғини юртимизда рўй бераётган оламшумул ўзгариш ва янгиланишларда, шаҳар ва қишлоқларимизнинг қиёфаси янада чирой очаётганида, қад ростлаётган, энг замонавий технологиялар билан жиҳозланган корхоналарда, деҳқон ва фермерларимизнинг мардона меҳнати эвазига далаларимизнинг унумдорлиги ва ҳосилдорлиги йилдан-йилга ошиб, халқимизнинг ҳаёт даражаси юксалиб бораётганида, Ўзбекистонимизнинг дунёдаги обрў-эътибори тобора ортиб, унинг халқаро майдонда муносиб ўрин олаётганида кўриб-кузатиб, шу юртда яшаётган ҳар қайси инсоннинг кўнгли ҳақиқатан ҳам ғурур ва ифтихорга тўлади.

Айтиш керак — ўтган даврда биз эришган айрим кўрсаткичларни тасаввур қилишнинг ўзи қийин. Жаҳон миқёсида молиявий-иқтисодий инқироз давом этаётганига қарамасдан, Ўзбекистонимизнинг саноқли давлатлар қаторида охирги 10 йил давомидаги иқтисодий ўсиши, яъни, содда қилиб айтганда, фаровонлигимизнинг юксалиш суръатлари узлуксиз равишда 8 фоиздан кам бўлмасдан келмоқда ва 2015 йилда ҳам бу кўрсаткичдан кам бўлмайди, иншооллоҳ.

Азиз юртдошларим!

Ўзбекистоннинг бугунги кунда тараққиёт йўлида барқарор суръатлар билан қадам қўяётганида, обод ва фаровон ҳаёт қураётганида бу саховатли заминда яшаётган ҳар қайси инсоннинг, унинг миллати, дини, эътиқодидан қатъи назар, муносиб ҳиссаси борлигини, бутун халқимизнинг машаққатли меҳнати, мардлиги ва матонати, бағрикенглиги, бир оила бўлиб яшаётгани, қисқача айтганда, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик ва меҳр-оқибатлик туйғуси нақадар катта бойлик эканини барчамиз миннатдорлик билан қайд этамиз.

Бунга иқрор бўлиш учун аввало ҳозирги кунда дунёда содир бўлаётган воқеаларни, яқин ва узоқ атрофимизда хавф-хатарлар, сиёсий ва иқтисодий қарама-қаршиликлар авжига чиқиб, терроризм ва экстремизм ҳаракатларини, қон тўкилишларни кўриб-кузатиб турганимиз ҳеч кимни тинч ва бепарво қолдирмайди, албатта.

Минг афсуски, бундай кескинлашувлар, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, дунё бозорларидаги ноаниқ вазият ва танглик давом этишининг кутилиши — бундай таҳликали аҳвол барчамиздан ҳушёрлик, сезгирлик ва сафарбарлигимизни оширишни, содда қилиб айтганда — бўш келмаслигимизни талаб қилади.

Бир муҳим масалани эсимиздан, хаёлимиздан асло чиқармаслигимиз керак. Ҳаёт ҳеч қачон бир жойда тўхтаб турмайди. Айниқса, биз XXI асрда, глобаллашув, интеллектуал тараққиёт ва интернет замонида яшаётганимизни инобатга оладиган бўлсак, эришган марра ва ютуқлар билан чегараланмасдан, ҳаволаниш кайфиятига берилмасдан, аксинча, доим янгиликка интилишимиз, эртанги кунимизни, олдимизда турган муаммо ва қийинчиликларни ўзимизга яққол тасаввур қилиб яшашимиз лозим. Фақат шундай жамият, қолаверса, давлатгина жадал суръатлар билан ўзгариб бораётган замон билан ҳамқадам бўлиб яшаши мумкин.

Айни шу ҳақиқатни англаган ҳолда, 2015 ва келгуси йилларнинг режалари ва янги марраларни эгаллаш ҳақида сўз юритар эканмиз, биз аввало демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида эришган ютуқларимизга, тўплаган тажрибамизга суяниб, келажагимиз стратегиясига айланган Концепциямиз асосида олиб бораётган ишларимизни изчил суръатлар билан давом эттиришимиз зарур.

Шу борада амалга ошираётган барча ислоҳотларимизнинг туб илдизи — томирида ётган масалаларга эътиборингизни жалб этмоқчиман.

**Сўз кўп тармоқли иқтисодиётимизнинг устувор соҳаси ҳақида — хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни тез суръатлар билан ривожлантириш йўлидан барча ғов ва тўсиқларни олиб ташлаш, уларнинг эркинлигини таъминлаш ҳақида бормоқда.**

Яна бир устувор масала — бутун жаҳон миқёсида иқтисодий ва сиёсий вазият тобора кескинлашиб бораётганини инобатга олган ҳолда, **иқтисодиётимиздаги таркибий ўзгаришларни изчил чуқурлаштириш, ишлаб чиқариш соҳасини узлуксиз техник, технологик янгилаб бориш ва модернизация қилиш, замонавий ахборот-коммуникация тизимларини кенг жорий этишдир.**

Шу масалалар билан чамбарчас боғланган яна бир вазифа — **иқтисодиётимизда давлатнинг улуши ва ўрни қай даражада бўлишини танқидий кўз билан баҳолаб, уни стратегик ҳамда иқтисодий асосланган даражага қадар қисқартиришдан иборат.** Очиғини айтганда, мана шу ўта муҳим ислоҳотларимизни ярим йўлда қолдирмасдан, мантиқий якунига етказсак — марра бизники.

Бошқача айтганда, айни шу асосда эски маъмурий-буйруқбозлик тизимидан ҳали-ҳамон мерос бўлиб келаётган, одамларнинг норозилигини қўзғаётган барча қолдиқлардан воз кечишга имкон туғдирамиз, улардан озод бўламиз.

Ҳурматли юртдошлар!

Янги — 2015 йилда мамлакатимиз давлат бюджетининг қарийб 60 фоизи ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилганини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Яъни, соғлиқни сақлаш, таълим-тарбия, илм-фан, маданият ва санъат, спорт соҳаларини, мухтасар айтганда, инсон омилини янада юксалтириш эътиборимиз марказида бўлади.

Иш ҳақи, пенсия, стипендия ва ижтимоий нафақалар миқдорининг ўртача ўсиши 22 фоиздан кам бўлмасдан, аҳолимизнинг реал даромадлари 10 фоизга кўпайиши белгиланмоқда.

Кичик бизнес ва фермер хўжаликлари учун янги йилда ягона социал тўловлар ставкаси 25 фоиздан 15 фоизга туширилади. Шу тариқа 440 миллиард сўмдан кўпроқ маблағ уларнинг ихтиёрида қолдирилади. 2015 йилнинг 1 январидан бошлаб жисмоний шахсларнинг бир минимал ойлик ҳажмидаги маошидан солиқ олинмайди. Барча ишчиларга тегишли бўлган бу янгилик аввалambor бошқаларга нисбатан ойлиги энг кам бўлган фуқароларга кўпроқ наф беришини алоҳида қайд этиш лозим.

Айни шу тадбирлар ҳисобидан меҳнаткашларимиз камида 120 миллиард сўм наф кўради. Янги йилда бериладиган бундай имтиёзларнинг рўйхатини яна давом эттириш мумкин.

Инфляция даражаси, яъни нарх-навонинг ўсиши тахминан 5,5-6,5 фоизни ташкил этиши кутилмоқда.

Келгуси йилда одамларимизнинг турар-жой шароитларини яхшилаш, янада обод этиш, коммунал-маиший хизмат сифатини тубдан оширишга алоҳида эътибор берилади.

2015 йилда қишлоқ жойларда яшаётган 12 мингта оила шаҳар шароитидан қолишмайдиган, намунавий лойиҳалар асосида қурилган янги уй-жойларга кўчиб кириши мўлжалланмоқда.

Қадрли дўстларим!

Кириб келаётган янги йилга мамлакатимизда Кексаларни эъзозлаш йили деб ном берганимиздан халқимиз албатта яхши хабардордир.

Бунинг замирида ҳаммамизни оқ ювиб, оқ тараган, муқаддас юртимизнинг ташвиш ва муаммоларини ўз елкасида кўтариб келаётган, хонадонларимизнинг файзи ва кўрки бўлган кекса авлод вакилларини ҳаётдан рози қилиш, уларнинг дуосини олишдек савобли ва олижаноб мақсадлар мужассам эканини, ўйлайманки, барчамиз яхши тушунамиз.

Биз меҳрибон ота-оналаримиз, муҳтарам кексаларимиз олдидаги ана шу қарзимизни янада теран англаган ҳолда, уларга ҳар томонлама эътибор ва ғамхўрлик кўрсатишдек олижаноб мақсадлар билан 2015 йилга қадам қўяр эканмиз, биз учун миллий ўзлигимиз тимсолига айланиб кетган каттага — ҳурмат, кичикка — иззат, меҳр-оқибат, шафқат ва мурувват каби эзгу фазилатларни янада мустаҳкамлаб, уларни жондан азиз фарзандларимизнинг онгу шуурига сингдиришда кириб келаётган йил муҳим, юксак бир босқич бўлишига ишонаман.

Айни шундай ноёб фазилатларга эга бўлаётганимиз яқинда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашларга бўлиб ўтган сайловларда яққол намоён бўлганининг гувоҳи бўлдик.

Буларнинг барчаси одамларимизнинг, аввало, ҳал қилувчи кучга айланаётган ёш авлодимизнинг онгу тафаккури, дунёқараши, сиёсий ва фуқаролик савияси, ҳуқуқий маданияти юксалиб ва энг муҳими — эртанги кунимизни биз ўзимиз, она юртимиз учун қурямиз, деб дадил майдонга чиқаётганининг намойиши, десам, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Мен яқинда, Конституциямиз байрамига бағишланган тантанали мажлисда кимки асл демократияни кўрмоқчи бўлса, Ўзбекистонимизга келсин, деб айтганим бежиз эмас.

Ҳақиқатан ҳам, бундай халқ олдида бош эгиб, ҳар қанча таъзим қилсак арзийди, албатта, азизларим.

Қадрли ва муҳтарам ватандошларим!

Янги йил кириб келишига саноқли дақиқалар қолган мана шу ҳаяжонли дамларда барчамиз Яратганимиздан эзгу мақсадларимиз рўёбга чиқишини, хонадонларимизнинг қут-баракаси, файзини беришини чин қалбимиздан сўраймиз.

Кириб келаётган янги йилимиз юртимизга, барча-барча оилаларга бахту саодат ва омад келтирсин!

Ҳар биримизнинг пок ният ва тилакларимиз ижобат бўлсин!

Ватанимиз тинч, халқимиз омон, осмонимиз мусаффо бўлсин!

Янги йил барчамизга муборак бўлсин!

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

# САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Янги — 2015 йил кириб келиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига қатор хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, нуфузли халқаро ташкилотлар ва чет эл етакчи компанияларининг раҳбарлари, жамоат арбоблари Юртбошимиз ва Ўзбекистон халқига тинчлик-осойишталик, сиҳат-саломатлик, бахт-саодат ва омонлик тилаб, ўзларининг эзгу ниятлари изҳор этилган самимий қутловларини йўллашда давом этмоқдалар.

*Жумладан, қуйидагилар ўз табрикларини йўллаганлар:*

Корея Республикаси Президенти **Пак Кин Хэ**

Буюк Британия Бош вазири **Дэвид Кэмерон**

Латвия Республикаси Президенти **Андрис Берзиньш**

Венгрия Республикаси Президенти **Янош Адер**

Кипр Республикаси Президенти **Никос Анастасиадес**

Исландия Президенти **Олавур Рагнар Гримссон**

Украина Президенти **Пётр Порошенко**

Беларусь Республикаси Президенти **Александр Лукашенко**

Канада Генерал-губернатори **Дэвид Жонстон**

Вьетнам Социалистик Республикаси Президенти **Чионг Тан Шанг**

Австралия Генерал-губернатори **Питер Косгроув**

Янги Зеландия Генерал-губернатори **Жерри Матепарае**

Кувайт Давлати Амири **Сабоҳ ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ**

Миср Араб Республикаси Президенти **Абдулфаттоҳ Ас-Сиси**

Жазоир Халқ Демократик Республикаси Президенти **Абдулазиз Бутефлика**

Колумбия Республикаси Президенти **Хуан Мануэль Сантос**

БМТ Тараққиёт дастури маъмурияти раҳбари **Ҳелен Кларк**

«ЛУКОЙЛ» ОАЖ Президенти **Вагит Алекперов**

«Siemens» компанияси Президенти ва Бош ижрочи директори **Жон Кайсер**

Жанубий Кореянинг «Shindong Resources Co.LTD» компанияси раиси **Ким Ёнг Гу**

Япония Парламенти Маслаҳатчилар палатаси депутати **Кёко Накаяма**

Тошкент ва Ўзбекистон Митрополити, Ўрта Осиё Митрополия округи раҳбари **Викентий**

*Табрикномалар келиши давом этмоқда.*



## МУСТАҚИЛЛИК МАЙДОНИДА БАЙРАМ ДАВОМ ЭТМОҚДА

***Янги йил — беғубор орзу-умидлар, эзгу ниятлар айёми. Ушбу байрам барчага, айниқса, кичкинтойларга чексиз қувонч ва шодлик бағишлайди. Шу кунларда пойтахтимиздаги Мустақиллик майдони ҳамда барча майдон ва хиёбонларда Янги йил байрами тантаналари бўлиб ўтмоқда.***

**Ҳудудларда шодиёна**

## БИР ОЛАМ ҚУВОНЧ УЛАШИБ

Янги йил арафасида **Қорақалпоғистон Республикасидаги** 401 маҳалла фуқаролар йиғинларида истиқомат қилувчи уруш ва меҳнат фахрийлари, 100 ёшдан ошган қариялар ва эҳтиёжманд ватандошларимиздан 842 нафарига ҳомийлар ҳисобидан байрам совғалари топширилди. Хайрли ишга шаҳар ва туман ҳокимликлари, "Нуроний" жамғармаси ҳудудий бўлими, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди республика бўлими, Қорақалпоғистон Республикаси касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси бош-қош бўлди. Жойлардаги ижтимоий таъминот бўлимлари билан тиббиёт муассасалари томонидан фахрийларининг яшаш шароити ва соғлигидан мунтазам хабар олиб туриш чораларини кўриб, уларга зарур пайтда тиббий ёрдам кўрсатиш учун шифокорлар бириктирилди.

Хўжайли туманидаги мавжуд 39 та фуқаронинг ўзини ўзи бошқариш органларида яшовчи 93 нафар эҳтиёжманд оилага байрам совғалари берилди.

●○●●● ▶ 2

**2015 йил — Кексаларни эъзозлаш йили**

***Жонажон Ватанимиз тарихига Соғлом бола йили номи билан кирган 2014 йил билан хайрлашдик. Бугун абадият мулкига айланган қадрдон йилимиз халқимизнинг кўнгли ва ёдига тинчлик-осойишталик, барқарор тараққиёт, бунёдкорлик, яратувчилик, моддий фаровонлик, маънавий юксалиш, истиқлол йилларида эришилаётган ютуқларни янада мустаҳкамлаш йили сифатида муҳрланди.***

## ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ САВОБЛИ ИШ

Зеро, ер юзида кутилмаган фожеалар, зиддият қа тўқнашувлар, уруш ва қирғинлар, даҳанаки жанглар бир-бирига уланиб кетган таҳликали бир даврда ҳар бир кунни хотиржамлик билан кутиб олиш, қилган ишларингдан кўнглинг тўлиб, мамнуният билан кузатиш, эртанги кунга катта умидлар интилиш, юртнинг ва фарзандларнинг келажагига собит ишонч билан яшаш ниҳоятда улкан Бахтдир.

Муҳтарам Президентимиз раҳнамолигида сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маънавий ҳаётнинг ҳар бир соҳасида фақат юксалиш сари борилаётгани ҳам ўзбек халқининг буюк аждодларга муносиб ворис ва жаҳон саҳнасида мангу яшашга лойиқ миллат, халқ эканининг далилидир. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, шаҳар, туман Кенгашларига бўлиб ўтган сайловлар жараёнида кўтаринкилик ва фаоллик турли миллат вакилларининг Ватани бўлмиш Ўзбекистонда ўзаро меҳр-оқибат, ҳамжиҳатлик, бағрикенглик тобора мустаҳкамланаётганини яна бир бор намоён қилиб, хорижлик кузатувчиларнинг ҳавас ва эътирофига сазовор бўлди.

●○●●● ▶ 2

2015-yil 1-yanvar, payshanba, № 1-2 (3507), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz




# СОВҒА

(Ҳикоя)

Ўшанда янги йил арафаси эди. Эрталабдан гупиллаб лайлакқор ёғар, тоқу гумбазлар оппоқ либосга бурканган, Девонбеги хонақоси симоби кулоҳ кийган қаландарга ўхшар, чуқур сукутдаги қари тутлар унинг сомеълари эдилар гўё.

Сон-саноқсиз митти юлдузлар қора-кўкимтир сув юзига оҳиста қўниб-қўнмай эриб кетишар, Шоҳруд тинимсиз ёғилаётган қордан ҳузурланиб, сим-сим оқар, юзини муз қоплаган Лабиҳовуз қор кўрпаси остида эди.

Отам, онам ва мен янги йилни кутиб олиш учун шаҳарлик амакимнинг Лабиҳовузга туташ ҳовлисига келгандик. Институтда ўқийдиган акам ҳам шу ерда.

Акам лаш-лушларини саранжомлагач, мени Лабиҳовузга етаклади. У институтнинг иккинчи босқич талабаси, мен эсам 1-синфда ўқирдим.

Ҳаво хийла совуқ бўлса-да, момиқ қорни «ғарч-ғарч» босиб одимлашдан беҳад ҳузурланардим. Оппоқ сукунат қўйнига ғарқ бўлган Бухоро менга эртак сўзлар, кўз ўнгимда асрий тоқу гумбазлар эмас, афсонавий шаҳзода, маликалар, Қорбобо, Қорқиз ва яна алланималар гавдаланарди.



Тез орада Қорбобо ва Қорқиз хаёлимда эмас, ўнгимда намоён бўлди. Акам иккимиз бошлашиб Девонбеги хонақоҳи олдидаги кенг майдонга чиққанимизда ҳайратдан лол қолдим.

Майдонда учи нақ осмонга етай-етай деб турган ям-яшил арча безатилган, унинг сон-саноқсиз ўйинчоқлари кўзни қамаштирарди. Нинабаргларга қўнаётган қор учқунлари илоҳий манзара кашф этган, арча атрофида давра олиб шўхлик қилаётган тенгқурларимнинг шодлиги чексиз эди. Акамнинг қистови ва далдаси билан мен ҳам даврага қўшилдим. Болалар бўри, тулки, айиқ, шер ва бошқа жонзотлар ниқобларини кийиб олишганди. Акам бир зумда қаердандир топиб олган қуён ниқобини менга берди. Лекин шер ва айиқ олдида қуён нима деган гап? Ниқобни кийишни истамадим. Шу аснода қаршимда пайдо бўлган Қорқиз қўлимга йўлбарс ниқобини тутқазди.

Мана бу бошқа гап! Йўлбарс шердан ҳам, айиқдан ҳам зўр! Ниқобни дарҳол юзимга тортиб, шўхлик қила бошладим.

Қор ҳамон бўралаб ёғар, уст-бошимиз оппоқ қор, осмонўпар арча эса янада кўркамлашиб борарди.

Шу тахлит чошгоҳгача хурсандчилик қилдик. Ниҳоят, Қорбобо совғаларини тарқата бошлади. Лабиҳовуз болаларнинг шўх-шодон қий-чувига тўлиб кетди.

Бир маҳал Қорбобо ҳассасини дўқиллатиб келиб, қаршимда тўхтади ва шундай деди:

— Ҳой, Йўлбарсвой, сен ҳойнаҳой «аъло» баҳога ўқисанг керак? Шундайми?

— Ҳа, шундай, шундай! — дедим шоша-пиша. — Фақат биттагина тўртим бор, холос...

Қорбобо бир зум ўйланиб турди. У дамлар менга йилдек туюлди.

Битта «тўрт»и бор экан, деб совға бермай кетиб қолса-я?! Йўқ, хайрият, Қорбобо олижаноб экан, ундай қилмади.

— Биттагина «тўрт» бўлса, ёмон эмас! Мана бу совға сенга! — деди у қўлимга катта қоғоз ўрамини тутқазаркан.

Бошим кўкка етган, чунки бунақа чиройли совғани Қорбободан биринчи маротаба олишим эди-да!

Ўрамнинг ичида нима борлигини билмас эдим, у қўлларимни ёндирарди гўё. Қоғоз юзидаги Қорбобо, Қорқиз сурати, қор учқунлари унга ажиб бир сирлилик бахш этиб турарди.

Акам ёнимга келди. Совғани унга кўрсатиб мақтандим:

— Мана, Қорбобо берди! Битта «тўрт»им бор десам ҳам, майли, зарари йўқ, деди!

Акам ҳам хурсанд бўлди.

Лабиҳовуз кўзимга тағин ҳам чиройли кўринар, тезроқ амакимникига бориб, ўрамда нима борлигини билгим келарди.

Акам билан арча атрофини тарк этамиз деб турганимизда бир чеккада хун бўлиб йиғлаётган қизалоққа кўзим тушди. Уни мен тенги опаси юпатмоқчи бўлар, лекин қизча оёқларини «тап-тап» ерга урганича йиғига зўр берарди.

— Уйга юр, дадам сенга бундан ҳам зўр совға олиб келадилар, — дерди опаси. Маълум бўлишича, қизалоққа навбат етганда Қорбобонинг совғаси тугаб қолибди... Бу ёғи қандоқ бўлди? Ахир, Қорбобонинг тўрвасидаги совғалар ҳеч қачон тугамайди дейишганди-ку!

Қизча ҳамон йиғлар, унинг шашқатор ёшларига қараб, нима қилишимни билмасдим.

Акам билан кўз уриштирдим. У «совғани қизчага берсанг яхши бўларди», деяётгандай туюлди. Мен бироз тараддудландим. Ахир, қўлимни ёндириб турган қоғоз ўрамда нима борлигини ҳам билмасдим-да.

Қўлимдаги совғани қизчага узатдим.

У бир зумда йиғидан тўхтаб, совғани олди-ю, бағрига босди. Опаси менга миннатдор нигоҳ ташлаб, такрор-такрор раҳмат айтди.

Биз арча ёнидан секин-аста узоқлашар эканмиз, акам мени Шоҳруд соҳилидаги ширинликлар дўкони томон бошлади. У ердан Қорбобонинг совғасидан ҳам каттароқ совға олиб берди.

Мен жуда шод эдим. Самодан тўкилиб турган қор учқунлари қошкиприкларимга қўниб, танимга ҳузур бағишлар, чор-атроф кўзимга жуда гўзал кўринар эди...

* * *

Ҳар доим Янги йил арафасида невараларимга совға ҳозирлар эканман, Лабиҳовузни, Қорбобонинг совғасини ва йиғлаб турган ўша қизалоқни эслайман... Эслайман-у, совға олишдан кўра, совға бериш қувончлироқ эканини ҳис этиб, кўнглим ёришади.

Ана, яна лайлакқор ёғаяпти. Арча атрофида болакайлар қий-чуви авжига чиқади.

**Жўра ФОЗИЛ**












## ЯНГИ ЙИЛДА КЎРИШГАЙМИЗ...

Кун ортидан кунлар
етиб бородир,
Оҳ, йил ўтар не-не баҳор,
ёз билан!
Ҳатто хазон фасли
кетиб бородир,
Кўпдан бери кўришмадик
сиз билан.

Қўзи-улоқ боқиб
юрган қизгина...
Ул кезларга қайтиб бўлмас
сўз билан!
Бойғалчалар тақиб
юрган қизгина,
Кўпдан бери кўришмадик
сиз билан.

Кўз ўнгимдан қандай
ўчсин ул дамлар!
Кўрмагандай ўтардингиз
ноз билан.
«Гапирмасин», —
дермидингиз одамлар?..
Кўпдан бери кўришмадик
сиз билан.

Айтолмайин юрагимда
боримни,
Кеча-кундуз ҳамдам эдим
соз билан.
Ўтар бўлдим овунч этиб
торимни,
Кўпдан бери кўришмадик
сиз билан.

Висол чоғин кута-кута
адоман,
Сўнмас умид билсанг доим
биз билан.
Муҳаббатдан яралган
бир садоман
Кўпдан бери кўришмадик
сиз билан.

На иложки, ишққа қулмиз,
бандамиз —
Кўнгил ҳамон ўшал гўзал
қиз билан,
Муҳаббатга ета олмай
доғдамиз,
Янги йилда кўришгаймиз
сиз билан...

**Асад АСИЛ**




## БАЙРАМ МУТОЙИБАСИ

Рассом: Хусан СОДИҚОВ



**ГАЗЕТАНИНГ ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ БЎЙИЧА МУХБИРИ АБДУМАННОП АЗИМОВГА**

Пича қайсар, пича тунд, аммо йўқ ёмонлиги,
Ҳақиқатнинг йўлида жон-жаҳони жонлиги.
Эҳтиром топди балки шу сабаб эл ичида,
Ким ҳурмат кўрсатарди бўлса гар шайтонлиги.



**ШАХМАТЧИ АКА-УКА ЖАВОҲИР ВА ИСЛОМБЕК СИНДОРОВЛАРГА**

Ҳа, кўриб турибмиз, барча болалар
Рустам Қосимжоновга қилурлар ҳавас.
Ўн йилми, ўн беш йил ўтиб бизлар ҳам
Тожга даъвогарлик қилмасак бўлмас.



**КАСАБА УЮШМА ФАХРИЙСИ, ҲОЗИРДА ОЛМАЗОР ТУМАНИДАГИ «ТАХТАПУЛ» МАҲАЛЛАСИ ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ РАИСИ АБДУРАҲИМ ТОШПЎЛАТОВГА**

Хўшлашди ёш етди деб, лек бор экан чаласи,
Уйда ўтиролмади, топди иш дам палласи.
Ким ака, ким укадир – белни маҳкам боғлаган,
Кўрк очар кундан-кунга «Тахтапул» маҳалласи.

Муаллиф: Зайниддин РИХСИЕВ

## ҲАНГОМАГА МАВЗУ КЎП



*Почтага янги йил арафасида келган хатлардан бири хизматчиларнинг диққатини тортди. Чунки, конвертга «Қорбобога» деб ёзилган эди-да. Хизматчилар шоша-пиша конвертни очди:*

*«Салом, Қорбобо! Сенга тоғ ортидаги қишлоқда яшовчи Болтавой хат ёзмоқда. Биз томонларда қиш жуда қаттиқ келади. Янги йилда кўчага чиқа олмайман, чунки пўстиним ҳам, қўлқопим ҳам, телпагим ҳам, этигим ҳам йўқ. Қорбобожон, илтимос, менга пўстин, қўлқоп, телпак ва этик жўнатгин!»*

*Мактубдан таъсирланган хизматчилар кимнинг қанча пули бўлса, ўртага ташлаб, пўстин, телпак ва этик сотиб олишди. Қўлқопга эса пул етмади. Шундай бўлса-да, совғаларни жўнатиб юборишибди.*

*Орадан бир неча кун ўтгач, Болтавойдан яна Қорбобога хат келди:*

*«Қорбобожон, совғалар учун сенга каттакон раҳмат! Лекин қўлқоп менгача етиб келмади. Ҳойнаҳой, почтадагилар ўғирлаб олган бўлишса керак...».*

*31 декабр. Кечқурун болакай ойисига деб-ди:*

*— Ойижон, келинг, соат 11:30 бўлибди. «Янги йил! Янги йил!» деб бақирамиз!*

*— Нега, жиннивой?*

*— Қўшниларимиз янги йил бизникига эртароқ кириб келди, деб ўйлаши учун...*

*Меҳмонлар янги йил дастурхони устида узоқ ўтириб қолишди. Ҳеч кимнинг тургиси йўқ... Уй бекаси нима қилишини билмай ҳайрон. Ҳайдаб бўлмаса... Шу вақт телефон жиринглаб қолибди. Гўшакни кўтара туриб, аёлнинг калласига ажойиб ғоя келибди. Меҳмонларга қараб дод солибди:*

*— Ёнғин! Ёнғин!!!*

*Меҳмонлар сакраб ўриндан туришибди:*

*— Кимникида?*

*— Эшитолмай қолдим! Битталарингникида бўлса керак-да!*

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir v.b.: Jahongir Sharofboyev

Tahrir hay'ati: Muhammad Ali Ahmedov, Baxtiyor Mahmadaliyev, Oksana Belausova, Eson Rajabov.

2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 4 bosma taboq.

Bo'limlar: Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Hududlardagi muxbirlar: Andijon + 998 91 475-23-60; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 228-13-00; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-68-99; Farg'ona + 998 91 141-27-70; Qoraqalpog'iston Respublikasi + 998 91 268-92-32; Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir: B.Rizayev
Navbatchi: A.Arslonov
Musahhih: S.Shodiyeva

Bosishga topshirish vaqti — 19:25
Topshirildi — 19:50

E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

Buyurtma Г — 115 | 19393 nusxada bosildi | 1 2 3 4 5 6